



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI

O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255

021 йил " 8 " октябрь

№ 11

Yangibozor tumani

Янгибозор тумани "Дўстлик" маҳалласида яшовчи фуқаро Исмоилов Жаҳонгирга Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-, 53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни, "Дўстлик" маҳалласида яшовчи фуқаро Исмоилов Жаҳонгирнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг ҳулосаси ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг ҳулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор тумани "Дўстлик" маҳалласида яшовчи фуқаро Исмоилов Жаҳонгирга Бошқиршиқ қишлоғининг туман ҳокими заҳира ер ҳисобидаги 350к-онтурида жойлашган умумий ер майдони – 10,0 гектар, шундан суғориладиган экин ери – 10,0 гектардан иборат ер участкаси боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиш берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.

3. Янгибозор тумани "Дўстлик" маҳалласида яшовчи фуқаро Исмоилов Жаҳонгирга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Исмоилов Жаҳонгир ўртасида тузиладиган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида

топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Янгибозор тумани “Дўстлик” маҳалласида яшовчи фуқаро Исмоилов Жахонгирга ажратилаётган 10,0 гектар экин ер майдонида Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметовга фуқаро Исмоилов Жахонгирнинг Туркия компаниялари билан кўчатлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузишига амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Исмоилов Жахонгирга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман Статистика ва Солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

7. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



У.Курбанов